Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 25 июнь, чоршанба • № 50 (10.928) • Эркин нархда сотилади



Галлазорлардан хушхабарлар

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Тошкент тумани галлакорлари Вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш буюртмасини бажардилар

ТОШКЕНТ тумани деҳқонлари 2059 гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирган эдилар. Ўрим-йиғим ишлари ғоят уюшқоқлик билан олиб борилди. Далаларда 16 та комбайн ишлади. Натижада, давлатга 4400 тонна галла топширилиб, давлат буюртмаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. Ҳар гектар ердан ўртача 38 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

«Тошкент», Тўлабий, «Ўзбекистон», Ғ. Умаров номли жамоа хўжаликлари режани бажаришда ўрнак кўрсатдилар.

Тумандаги деярли барча хўжаликлар давлат буюртмасини бажаришга муваффақ бўлдилар.

Туман қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга қўшимча яна 1200 тонна галла топширишга ахд қилдилар.

Далаларда қолган ҳосилни узоғи билан 1 июлгача саранжомлаб олиш учун қизғин кураш бормоқда. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, силос учун маккажўхори, картошка, сабзавот сингари иккиламчи экин экиш ишлари бошлаб юборилди.

ИШ ҲАҚИ ВА 2 ТОННА ДОН

Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги 501 гектар майдондан 999 тонна дон топшириб, режани бажарди. Ҳозир ҳам 3та комбайн билан галла ўрилмоқда. Уммат Бойназаров, Кўчқор Ўтешов, Мирза Бегов ҳар куни 21—22 гектар майдондаги донни ўриб-янчиб бермоқда.

— Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилганлиги ўрим суръатини тезлаштириш имконини берди, — дейди хўжалик раиси Жўра Абдуназаров. — Ҳар бир тонна янчилган дон учун 20 сўмдан иш ҳақи тўланяпти. 20 тонна дон ўриб топширган комбайнчи эса асосий иш ҳақидан ташқари яна 300 сўм мукофот пули ҳам олмоқда. Мавсумда 300 тонна дон янчган комбайнчиларга шунингдек, 2 тонна буғдой ҳам берилади.

Орзиқул МАЪМУРОВ.



27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЯНГИ ДАВР СОЛНОМАЧИЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИКНИ нимадан билса бўлади? Одамларнинг эмин-эркинлигидан, ўз юртида ўзи белгилаган режани ўзи амалга оширишидан, ҳорижда эса чет элликлар билан ҳамма соҳада ҳам тенгма-тенг гаплашиб, мулоқотмуомалада бировнинг воситачилигига эҳтиёж сезмасликда. Мустақилликнинг энг ёрқин кўзгуси кундалик матбуот, ойнаи жаҳон ва ҳаво тўлқинлари тарқатаётган, кўрсатаётган, таратаётган эркин сўз, ҳур фикр, очиқ ва гулгун чеҳралардир.

Мустақил Ватанимизнинг оммавий ахборот воситалари чинданда янги давр солномасини яратмоқдалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи газета саҳифаларига кунма-кун, қадамба-қадам «рақам» қилинмоқда, радио ёзувларига, телевидениега туширилиб, миллионлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Бу йил матбуотчиларимиз бешинчи марта ўз касб байрамларини нишонлайдилар. У байрамдан бу байрамгача ўтган бир йил ичида соҳада мислсиз катта ўзгаришлар рўй берди. Аввало, матбуотни демократлаштириш ва уни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда унинг жойларда бўлимлари тузилди. Янги ташкилот оммавий ахборот воситаларининг барча ҳуқуқий давлатлардаги бўлгани сингари демократлашуви ва тўртинчи ҳокимият мақомига эга бўлиши йўлида дастлабки ишларни амалга ошира бошлади.

Олий Мажлис сўнгги сессиясида қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни айтиб ўтиш жоиздир. Бу ҳар иккала ҳужжат матбуотчилар фаолиятини қонун йўли билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш борасида алоҳида ўрин тутади. Ҳар иккала қонун ва улар берган имкониятлар ҳақида мароқ билан кўп гапириш мумкин. Лекин, республикамиз қонунчилигида илгари ҳеч учрамаган алоҳида бир банд борки, уни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчимиз. Гап журналистнинг текширув ўтказиш ҳуқуқи ҳақида боради. Қонунда белгиланганидек, журналист мустақил равишда ёки ўзи ишлаётган оммавий ахборот воситаларининг топшириғига кўра ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ёнма-ён ўз текширувини ўтказиши мумкин. У тўплаган далилий ашёларни ҳеч ким олиб қўя олмайди, текшира олмайди. Журналист ўз текширув натижаларини матбуотда эълон қила олади. Ваҳоланки, якка партия ҳукмрон бўлган, мустабид тузум замонида журналистнинг ҳуқуқи таҳририят остонасидан нарига ўта олмасди.

Биз бугун байрам арафасида газеталаримизнинг шакл-шамойили, йўналиши, мазмун-мундарижаси яхши томонга қараб ўзгарганлигини таъкидлай оламиз. Ўзбекистон матбуоти вакиллари дунёнинг ҳамма жойига бориб, юксак доирадаги халқаро учрашув ва анжуманларнинг иштирокчилари бўлмоқдалар. Беш қитъада бўлаётган ўзгаришлар, Ўзбекистон ҳаётидаги янгиликлар билан ўз ўқувчилари ва тингловчилари ҳамда ойнаи жаҳон томошабинларини вақтида хабардор қилмоқдалар.

Матбуот байрами арафасида бутун билими, куч-ғайрати, қалб кўри ва кўз нурини олижаноб ва шарафли касбга бахшида этаётган ҳамкасбларимизни чин кўнгилдан табриклаб, уларга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Воқеалар, хабарлар, лавҳалар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

БАЙРАМОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИНИНГ БОШЛАНИШИ

Халқимиз ҳаётидаги энг азиз, энг ёрқин байрам — Ўзбекистон мустақиллиги куни яқинлашмоқда. Ўтган олти йил ичида юртимизда, унинг ҳар бир шаҳар, қишлоғида беқиёс ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар амалга оширилди.

ИҚТИСОДИЙ, ижтимоий, маданий соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Ана шу янгиликлар билан кенг газетхонларни таништириш мақсадида республикамизнинг «Халқ сўзи» газетаси «Байрамолди йўқламаси» рукнини очди. Бу рукндаги куни кеча эълон қилинган дастлабки туркум материаллар Тошкент вилояти ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Пойтахт вилояти меҳнат аҳлининг мустақиллик байрамини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганини газетанинг тўрттала саҳифасидаги ранг-баранг мақола ва хабарларда, суратларда кўриш мумкин. Хусусан, янгийўллик галлакорларнинг, Ангрен саноатчиларининг, Бекобод тумани шифокорларининг бугунги ҳаёти билан яқиндан таништирилган. Газета келтирган кўпдан-кўп далиллар Тошкент вилоятининг бугунги қайноқ нафасини ёрқин ифодалайди.

ЮНЕСКО ГУВОҲНОМАСИ — МАКТАБДА

Янгийўл шаҳридаги 12-мактаб намунали билим даргоҳлари қаторидан ўрин олди. Мактабда қатор фанларни чуқур ўргатиш борасида бой тажрибалар тўпланди. Ўқитувчилар жамоасининг ибратли фаолияти ўқув йили якунида муносиб баҳоланди. Уларга Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг махсус гувоҳномаси берилди ва халқаро мактаблар тизимига киритилди.

— Бизда ЮНЕСКО гувоҳномасини олган 12-мактаб каби давр талабига жавоб берадиган ўқув масканлари кўп, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Э. Усмонов. — Шу ўринда 3-, 4-, 13-, 16- ва бошқа мактабларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 6-мактабимиздаги болалар саломатлигини муҳофазалаш фаолияти шаҳар миқёсида оммалаштирилди.

Гувоҳнома топшириш ва ўқув йили якунларига бағишланган анжуманда илғор мактаблар иш тажрибаларига доир кўргазма ташкил этилди.

Акбар АЛИЕВ.

Бу йил ёғингарчилик кўп бўлиб, қир-адирларда ўт-ўланлар гуркираб ўсди. Бедазорлар яшнади. Бу табиатнинг инъоми, айниқса, чорвадорлар учун яратилган қулай имкониятдир. Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номли хўжаликнинг бош ҳосилоти Нори Ёдгоров, тракторчи Анвар Йўлдошев, бўлим бошлиғи Жумакул Турсуновлар бу марҳамат, имкониятдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бедазорларнинг ҳар гектаридан 60 центнердан пичан олинди. Олдинда учинчи, тўртинчи, бешинчи... ўрим турибди. Демакки, ҳосил яна ҳам баракали бўлади.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан

ОБОД ҚИШЛОҚ — ОЛИМКЕНТ

***ХАЛҚИМИЗ** қадимдан шаҳар, қишлоқ, қўрғонларнинг кўркам ҳамда чиройли бўлиши учун ҳаракат қилганлар. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида бунёд этилган Зангиота масжиди, баъзи мақбара, мадрасалар ва Марказий Осиёдаги бошқа меъморий обидалар, минглаб гектардаги боғлар мисолида аждодларимиз ободончиликка қанчалик меҳр қўйганларини билиш мумкин.*

У даврларда, маҳаллани тоза тутиш, сувни булғатмаслик, одамларнинг яхши муомаласи ҳам ободончилик саналган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ободончилик ана шу қадимги изига янгиланиб кириб бормоқда. Бу ҳам хайрли келажакдан даракдир. Қувонарли жойи шундаки, бундай катта ўзгаришлар ҳамма вилоят ва туманларда ҳам рўй бераётир.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ҳам ободончилик ишлари яхши томонга силжий бошлади. Олимкент қишлоғи — Оққўрғон туманидаги аҳоли зич жойлашган қўрғон, саноатлашган қишлоқлардан бири. Бу ерда Олимкент пахта тозалаш, «Ишора», пахта ёғи, нон, газлама-буюм корхоналари, идоралар, дўконлар, кичик шахобчалар ишлаб турипти.

Олимкент қишлоғида сўнгги 20-25 йил ичида айтарлик ободончилик ишлари бўлмади. Фақат Мустақиллик шарофати туфайли Раҳим Раҳмонқул ўғли Умиров Германия технологияси асосида пахта ёғини ишлаб чиқарувчи корхонани қуриб ишга туширди. Шунингдек, Александр Катамохин раҳбарлигида амалга оширилаётган ободончилик ишлари ҳам мақтовга лойиқдир. Чиройли-чиройли замонавий уйлар, тижорат дўкони, чойхона-ошхона, қурилиш маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ва бошқалар қишлоқ чиройига — чирой, кўркига — кўрк бағишламоқда.

Лекин, Олимкентда қандайдир камчилик бордек, нимадир етишмаётгандек туюларди. Бу Олимкент кўча ва йўлакларининг қаровсизлиги эди. Олимкентга Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев ташриф буюриб, юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонларга назари тушгач, шу ердаги 46-автокорхонада маҳаллий ҳокимият раҳбарлари, қишлоқдаги ташкилот ва корхона бошлиқларини йиғиб, қайта таъмирлаш йўл-йўриқларини тушунтирди. Йўл ва кўчаларни ободонлаштириш тадбирларини белгилади.

Яхшининг шарофати деб шунга айтсалар керак, бир неча йиллардан бери эътибордан четда қолаётган қишлоққа ҳам навбат келди. Шу кунларда Олимкент — Бекобод йўли шохкўчасида ишлар тезкорлик билан олиб борилмоқда. Кўчалар, савдо дўконлари, ошхоналар, маиший хизмат кўрсатиш бўлимларининг бинолари, ҳаммаҳаммаси оқ тош, оқ ғиштлардан — шарқона безакдан либослар киймоқда.

Бугун кўчаларимизга файз кирса, эртага маҳалла ва хонадонларимизга барокат ёғилади. Бирлик бор жойда тинчлик, ўзгариш, ўсиш-улғайиш, зафарлар бўлаверади. Олимкент ҳам вилоятимиздаги барча гўшалар каби гўзаллашаверади.

Мунавварбек МУРОД ўғли, Тиллабек МИРЗААҲМАД ўғли, меҳнат фахрийлари.

АНГРЕН ҚАЛИШЛАРИ

ИККИНЧИ ишлаб чиқариш цехи Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» комбинатининг асосий ва йирик бўлинмаларидан ҳисобланади. Бу ерда минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қиладилар. Улар ишлаб чиқараётган махсулотлар орасида осиёча калиш салмоқли ўрин тутади. Жамоа йил бошида ҳом ашё таъминотида юзага келган тақчилликни бартараф этишга эришиб, бундай оёқ кийимлари тайёрлашни кун сайин кўпайтирмоқда. Натижада, уч ой давомида истеъмолчиларга 362 минг жуфт калиш етказиб берилди. Меҳнат ютуқларида Иван Федоров, Нигора Норматова, Сергей Лукянов ва бошқа илғор ишчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА, «Ангрен ҳақиқати» газетаси муҳаррирининг муовини.

АНТИҚА КЎРГАЗМА

ШАҲАРДА бундай кўргазма шу вақтгача уюштирилмаган эди. Шунинг учун у чирчиқликларда катта қизиқиш уйғотди. Унда шаҳардаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари қатнашдилар. Бу ерда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни акс эттирувчи ашёлар қўйилган эди. Бундан ташқари, уй шароитида боқилаётган ноёб паррандалар, жониворлар ҳам намойиш қилинди. Айниқса, қушларнинг хиллари жуда кўп эди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича республика корхоналари кўрик-танловининг биринчи чораги якунлари бўйича ғолиблар қаторидан ўрин олган «Чирчиқавтобуссаройи» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг бу соҳадаги тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам намойиш қилинди.

Виктор СТАРШИКОВ, «Чирчиқ» газетаси ходими.

ТЎП УРГИЧ ОЛАВЕРИНГ!

***БЕКОБОД** шаҳрига ҳам теннис ҳақидаги шовшув етиб келди. Тошкентдаги «Ўзшаҳарсозлик» илмий-текшириш олийгоҳи тайёрлаган лойиҳа асосида «Ўзметкомбинат»нинг А. Холматов раҳбарлик қилаётган қурилиш-монтаж трести теннис маркази барпо этишга киришди.*

ЛОЙИҲАГА мувофиқ жаҳон андозаларига мос ҳолда 40х20 м. кенгликда теннис ўйини майдони қурилади. 1500 томошабинга мўлжалланган минбар усти металл жамлама билан ёпилади. Бундан ташқари, кортга яқин жойда 2 та машқ ўтказиш майдони ҳамда маъмурий-маиший мажмуа қурилиши қад ростлайди. Унда барча қулайликлар яратиб берилади. Яъни, сузиш ҳавзаси, ҳаммом, ечиниш ва ювиниш хоналари ўйинчилар хизматида бўлади. Трестнинг В. Тен бошлиқ жамоа ишчилари теннис марказини қисқа муддатда қуриб ишқибозларга ҳадя этмоқчи. Демак, азиз бекободликлар тўп ургич (ракетка), олаверинг!

А. АШУРОВ.

Бу сонда:

ХАЛҚ БИЛАН — КЕЛАЖАК САРИ
Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши Президент Ислом Каримовнинг янги асари тақдимотига бағишланди
2-БЕТ

Байрам билан, ҳамкасблар!
27 июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
3-БЕТ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТИГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ
Мухбир муаммо кўтаради
4-БЕТ



ХАЛҚ БИЛАН — КЕЛАЖАК САРИ!

Тошкент вилояти фаолларининг шу йил 23 июнь куни бўлиб ўтган йиғилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарининг тақдимотига бағишланди

Ҳадемай, инсоният янги — XXI асрга қадам қўяди. Сўзсиз поёнига етаётган аср ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси миллат ва халқлар ҳаётида ўзига хос из қолдирмоқда. Хўш, якунланаётган давр бизнинг ҳаётимизда қандай хусусиятларга эга. Олдимизда қандай вазифалар турипти. Янги асрда бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади? Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатда хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш учун нималар қилишимиз зарур, биз давр, замон билан ҳамнафас қадам ташлаяпмизми?

Бу ва шунга ўхшаш жуда кўплаб саволларга мукаммал жавоб берган республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА. ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ» китоби бугун кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган куни Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота» жамоа хўжалигининг маданият саройида бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши ҳам баайни Ислом Каримовнинг янги асарини ўрганишга бағишланди.

Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, олий ўқув юртлари ректорлари, олимлар, халқ таълими, маданият муассасалари, «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ходимлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлимининг раиси Раҳматилла Шералиев очди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов, республика Олий Мажлиси матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов, Ўзбекистон Президенти Девони бош консультанти, ёзувчи Ҳайриддин Султонов, Тошкент Давлат аграр университети ректори, Ўзбекистон халқ депутати Ҳасан Бўриев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори ўринбосари, сиёсатшунослик доктори Сайфиддин Жўраев, «Миллий тикланиш» партияси раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ депутати, олим Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ахтам Турсунов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ депутати, шоир Азим Суюн, Паркент тумани «Паркент тонги» газетаси муҳаррири Маҳмуд Тоиров ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг мазкур асари мазмун ва моҳияти жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, унда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари чуқур таҳлил этилгани, ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни келгусида янада тараққий эттириш йўллари ва олдимизда турган энг устивор вазифалар белгилаб берилганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқиб, мазкур асар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Айни вақтда вилоят меҳнаткашлари олдида турган ва китобда кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда вазифалар борасида тўхталди.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ДАСТУР

БУГУН дунё тараққиётида янги — «Ўзбекистон модули» деган ибора пайдо бўлди. Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига, ўзига хос, ўзига мос тамойилларига қизиқувчилар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Мустақилликка эришилган кунданоқ Президентимиз Ўзбекистоннинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, сиёсатимизнинг мақбул йўналишларини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш йўлида бирин кетин энг зарур қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Белгилаб олинган зукко ички ва ташқи сиёсат қисқа муддатда ўзининг мевасини берди. Ўз мустақиллигининг олтинчи йилини нишонлаётган Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, республикамиз Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бу йўлда қилинган яна бир хайрли воқеа бўлди.

Шунинг учун ҳам тақдимот маросимида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов асарнинг асосий моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тўхталар экан, унга нафақат республикамизда, қўшни давлатларда, балки, бутун хорижда ҳам қизиқиш ортиб бораётганлигига асосий эътиборни қаратди. Хусусан, шу йилнинг 18 июнь куни ривожланган етти давлатнинг бири Франция пойтахтида бўлиб ўтган тақдимот маросими бунинг яққол белгиси бўлди. Унда сўзга чиққан олимлар ва хорижий мутахассислар Ўзбекистон янги сиёсат бобида марказий ўринни эгаллаб бормоқда, амалиётда минтақада ва бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, муҳим муаммоларни ҳал этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, деб баҳо бердилар.

Президентнинг янги китоби бу йўлда қўйилган янги қадам бўлди. Чунки, унда умумий хавфсизликни таъминлаш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган янги йўналишлар мисоллар билан исботлаб берилган.

Давлат матбуот қўмитаси раиси ушбу китоб яқин келажакда Англия, Олмония сингари хорижий давлатларда ҳам чоп этилишини маълум қилди. Айни кунларда асар инглиз ва немис тилларига таржима қилинмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, узоқни кўзлаб ёзилган мазкур китобда мустақил мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнидаги энг муҳим, айни пайтда, мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолар чуқур таҳлил этилган. Хавфсизлик, барқарорлик, танлаган йўлдан оғишмаслик сўзлари замирида чуқур маъно ва мазмун бор. Бу сўзларнинг қадрига етмоқ, уларни англаб олмоқ ўта муҳимдир. Китобда мазкур моҳият атрофлича очиб берилган. Ислом Каримовнинг янги асари мустақиллик йилларида орттирилган тажриба маҳсули, истиқболни кўзлаган дастурдир.

«Бугун биз қисқа муддат ичида танлаган мақсадимиз йўлида анча ишлар қилишга муваффақ бўлганлигимиздан қониқибгина қолмаймиз. Ҳали яна узоқ вақт мобайнида устивор бўлиб қоладиган муаммоларни аниқ тасаввур этишни ўрганиб олишимиз лозим». — деб ёзади асар муаллифи.

Дарҳақиқат, асар бизни хулоса чиқаришга, чуқурроқ мушоҳада юритишга, истиқболда турган вазифаларни ва тамойилларни амалга оширишга йўналтирувчи дастурдир.

ТАЖРИБА МАКТАБИ

РЕСПУБЛИКА Олий Мажлисининг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ўз сўзида шундай иборани ишлатди: Президентимизнинг китобида кенг қамровли таҳлил ва хулоса бор. Ҳақ гап. Асар муаллифи воқелик ва ҳодисаларни, қилиниши керак бўлган ишларни холис, оддий, таъсирчан халқ тилида баён этиб берган. Нотиқ ибораси билан айтганда, асар тажриба мактаби сифатида алоҳида эътиборга лойиқдир.

— У ҳар биримизни дунё воқеаларига хушёрлик билан қарашга чақиради. Асардаги «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган даъват ҳамиша янграб туриши керак. Фахримиз, иймон-эътиқодимиз бўлган бебаҳо қадриятлар, анъаналар, мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асраш, ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир, деган сўзларнинг мағзини чуқурроқ идрок этадиган пайт келди.

Яқин-яқингача Ўзбекистонда қанча олтин, қимматбаҳо қазилма бойликлари чиқишини, ҳатто, республика раҳбари ҳам билмасди. Мустақиллик бизга Ўзбекистон қандай имкониятларга эга, заминимиз нималарга қодир, халқимиз қандай яшаётганлигини ва умуман, бизнинг истиқболимиз қандай эканлигини кўрсатиб берди. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби бу борада бизга янги талқин, янги дастур, янги тафаккур беради. Биз янги жамият пойдеворини қўйдик. Энди уни юксалтириш, тараққий эттириш, дунё ҳамжамиятида янада нуфузли ўрин эгаллаш, анъаналаримиз, тажрибаларимизни мустаҳкамлаш устивор вазифалардир.

— Мен яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман, — деди Ўткир Хошимов, — китоб бизни лоқайдлик балосидан қутқаради. Яширишнинг ҳожати йўқ, бундай иллатдан ҳали тўла ҳолимиз, деб айтолмаймиз.

Яқиндагина Ғдлян, Ивановлар халқимиз бошига солган кулфатларни, бўҳтонларни эслаб кўрайлик. Шу боис асарни ўқиган киши нафақат ўз уйи, ўз ташвиши, балки, қўшнининг бошида бўлаётган фожиаларни тасаввур этади, ачинади, умумтинчлик, хавфсизлик тўғрисида ўйлайди.

Асарнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда умуммиллат муаммолари, мамлакат халқи, тараққиёти билан боғлиқ мушоҳадалар, таҳлиллар, хулосалар, айни вақтда, режалар белгилаб берилган.

Китобда буюк тарихимиз, хусусан, бобомиз Амир Темур фаолияти, ўтмиш аждодларимиз тўғрисида меҳр билан ёзилган сатрларни ўқиб, дилингиз яйрайди, деди нотиқ. Буларнинг тагида Ватанга садоқат, фидойилик, миллий ғурур туйғуси ётади.

Шунинг учун ҳам асар алоҳида қунт ва сабот билан ўрганишни тақозо этади. Мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида уни чуқурроқ ўқитиш, махсус дастурлар асосида тушунтириш зарур. Айни пайтда бевосита меҳнаткашлар даврасида китобнинг моҳияти юзасидан суҳбатлар ўтказиш одамларга мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўламини чуқурроқ англаб олиш, XX аср охирида мустақил Ўзбекистон қандай шароитда турипти, биз XXI асрга қандай кириб борамиз — буларнинг ҳаммасини англаб олишда ёрдам беради.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат аграр университети ректори Ҳасан Бўриев ўз нутқини айнан шу мавзуга қаратди.

— Мен жуда кўп китобларни ўқиганман. Лекин Президентимизнинг китоби ҳам бадиий, ҳам илмий, ҳам таҳлилий, ҳам хулосавийдир. У йўналишларининг уйғунлиги, муаммолар тадқиқотчи кўзи билан баён этилганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг буюк салоҳияти билан боғлиқ бирон бир мавзу муаллиф назаридан четда қолган эмас.

Масалан, аграр мамлакат бўлган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг истиқболлари таҳлил этилар экан, айни вақтда, олтинга тенг тупроқ структурасининг бузилиши, бу борада йўл қўйилаётган хатоликлар қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги иқтисодий жиҳатдан олимона таҳлил этиб берилган. Хусусан, бундай муаммо Тошкент вилоятида ҳам мавжуд. Бу ерда гап заминимизнинг қадрига етиш, ундан оқилона фойдаланиш, халқ фаровонлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида экспорт имкониятларимизни кенгайтириш устида бормоқдаки, бу олимларимизни, деҳқонларимизни чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди.

Республикамизнинг илмий салоҳиятини ошириш, етук кадрлар билан мустаҳкамлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Мустақиллик бу борада барча фуқароларга кенг йўл очиб берди. Таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар бунга яққол мисолдир. Биргина аграр университетимизда 20 дан ортиқ миллат фарзандлари сабоқ олмоқда.

ЖАҲОН ТАН ОЛАЁТГАН АСАР

ИЛГАРИ ҳам, ҳозир ҳам давлат раҳбарларининг китоблари кўплаб чоп этилган ва этилмоқда.

— Лекин, бу асарнинг улардан тубдан фарқи бор, — деди республика Президенти Девонининг бош консультанти, ёзувчи Хайриддин Султонов. — Чунки, бу китоб иш хонасида, умумий гаплар билан ёзилган эмас. Аксинча, у ҳаётнинг ичида, вилоятларда, туманларда, корхоналарда, хўжаликларда, одамлар орасида, яқин ва узоқ хориж сафарларида олинган таассуротлар, мушоҳадалар, таҳлиллар асосида дунёга келди. Ана шунинг учун ҳам унинг ҳар бир сатрида ҳаёт бор, инсон тақдири, инсон қайғуси бор, мамлакат ўтмиши, ҳозири, келажаги бор.

Дарҳақиқат, бу хулосага қўшилмаслик мумкин эмас. Китоб катта тарихий жараённинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган ҳаётий тафаккур маҳсулидир.

Нотиқ китобда бўртиб турган ўз мамлакатига, халқига бўлган садоқат руҳи масалаларига алоҳида тўхталди. Тақдир Ўзбекистонни гўзал, сўлим масканда яратди. Бу заминда Менделеев жадвалидаги барча нодир қазилмаларнинг мавжудлигиёқ унинг қанчалик муқаддас эканлигини исботлаб турипти. Бу юртнинг яна бир буюк бойлиги унда истиқомат қилаётган меҳнаткаш, танти халқимиздир. Жуғрофий нуқтаи назардан Марказий Осиё киндигида жойлашган Ўзбекистон нафақат бу минтақага, балки, жаҳон ҳамжамиятига ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу тамойилларнинг бошида Ўзбекистон халқи манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш, айни вақтда, умум хавфсизлик ва тинчлик йўлида саъй-ҳаракат қилиш ётади. Ўзбекистон бугунги кун билан яшамаяпти. Аксинча, камолотга, ўсиш, улғайишнинг янги поғоналарига кўтарилиб бормоқда. Буни атрофимизда рўй бераётган воқелик кўрсатиб турипти.

— Парижда — Сорбонна университетлар мажмуида Президентимизнинг китоби тақдимотига бағишлаб ўтказилган йиғилишда биз буни яна бир карра яққол ҳис этдик, — деди Хайриддин Султонов. — Ана шу йиғилишда иштирок этган ЮНЕСКО бош котиби Федерико Майор ушбу асарга баҳо берар экан, биз Ўзбекистон Президенти мисолида тарихий ёдгорликларга бўлган ҳурмат-эҳтиромни кўрдик, — деди.

Бу сўзлар замирида жуда катта маъно бор. Ўз кадриятлари, анъаналари, тарихини тиклаб, уни ривожлантириб, келажак ҳаётини қураётган республикамиз янги тараққиёт босқичига чиқмоқда. Агар бундан беш йил бурун чоп этилган Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласи, таъбир жоиз бўлса, дунё ҳамжамиятига ташриф ҳужжати бўлган бўлса, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари жаҳон миқёсида етуклик гувоҳномаси бўлди.

— Ҳар китобнинг юзага келиши ўзи бир тарих, — деди сўзга чиққан Миллий тикланиш партияси раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Ғофуров. — Ушбу асар узоқ ва яқин ўтмиш тарихимизнинг ҳосиласидир. Бундай китоблар тарихда саноқли яратилган. Мен уни ал-Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг «Темур тузуклари» асарлари қаторида турадиган ноёб китоб деб, баҳолашни истардим.

Китобда зикр этилган қатъиятлик, матонат, одиллик, фидойилик, ирода туйғулари бизни ундан ўрнак олишга ундайди. Ана шу ирода, Ватанга садоқат соҳиби бўлган Ислом Каримов мамлакатни бошбошдоқликдан асраб қолди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида икки фуқароликни жорий этиш ҳақда гап борганда Марказий Осиёда фақат Ўзбекистон Президентигина бундай ёндашув мамлакатни парокандаликка олиб келади, дея уни рад этди. Пул бирлиги — рубль тўғрисида гап борганда «ўз миллий валютаси бўлмаган давлат мустақил мамлакат бўлмайди», дея қатъият кўрсатди. Ушбу китоб республикамизда таназзуллар олдини олиш инкишофи сифатида тарихда қолади. Шунинг учун ҳам бу китоб ҳар бир юртдошимизнинг жавонидан ўрин олади ва дастурил амал бўлиб қолади, деб ўйлайман.

— Бу китоб олти йил бурун уйғонган элнинг, уни уйғотган эл фарзандининг, мустақилликка асос солган юрт раҳбарининг бедор кўнглидан тўкилган дур фикрлар мажмуасидир, — деди ўз сўзида «Паркент тонги» газетасининг муҳаррири Маҳмуд Тоиров. — Мен уни, ҳеч муболағасиз, машаққатли йўлларни босиб ўтган Ўзбекистон фуқароларининг умр китоби деб атагим келади. Юрт тупроғига қўйилаётган ҳар бир ғиштга, ривожимиз чироғини ёқаётган ҳар бир фикрга даҳлдор эканлигимизни англаб етсак, эртанги кунимизга қатъий ишонч, суянган тоғимиз бўлса, ўткинчи машаққатлар бизни эсанкиратиб қўймайди. Асар ўзининг ана шундай жиҳатлари билан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ундаги чуқур таҳлил, хулоса, кенг мушоҳада ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслигига ишонаман.

...Ҳақиқатан ҳам юқоридаги нотиқлар берган таърифга асарни ўқиб чиққан юртдошларимиз бажонидил қўшиладилар, деган фикрдамиз. Зеро асар ўзининг ниҳоятда кенг қамрови, ўткир масалаларни ўз ичига олганлиги билан ҳам дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортди. Йиғилишда дунё тан олаётган асар, деган ибора ишлатилди. Бизнингча, бу сўзларда ҳеч бир муболаға йўқ. Китобнинг ҳозирча беш тилда чоп этилганлиги, яна кўплаб тилларга ўгирилаётганлиги хулосамизни исботлаб турипти.

> **«Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир».**
>
> **«Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ҳамжиҳатлик, фуқаролар тотувлиги — жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг, барқарор ривожланиш ҳамда тараққиётнинг пойдевори ва кафолатидир».**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

МУНОСИБ АЪЗО

Ҳа, шундай. Президентимизнинг ушбу асари Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли, ўз сўзига, ўз фикрига эга субъекти сифатида жаҳонга танитди. Буни республикамиз ҳукумати олиб бораётган оқилона ташқи сиёсат, хавфсизлик, тинчлик йўлида кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар кўзгудагидек акс эттириб турипти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори ўринбосари, сиёсатшунослик доктори Сайфиддин Жўраев китобда баён этилган ана шу йўналиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Китоб минтақадаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги мулоҳазаларни ривожлантиради, умумжаҳон доирасида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим масалаларни баён этади.

«Бир қарашда, гўё, инсоният XXI аср бўсағасида етарли даражада ақл-идроклли бўлиб қолган ҳолда ўзининг тарихий таржрибасига асосланиб, асрлар давомида таркиб топиб келган баъзи бир андозалардан воз кечиши табиий бўлиб кўринади. Яъни инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг очиқдан-очиқ кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўп қирралилигини, унинг барча субъектлари ўртасидаги тўла тенг ҳуқуқлиликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишининг табиий ва зарурий шарти сифатида эътироф этилишини талаб қилади», — деб ёзади муаллиф. Бу хулоса, бу фикр ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ қисматида туб ўзгаришлар ясаш, давр, шароит талаби эканлигини исботлаб беради.

Ўзбекистон аввал бошданоқ барча давлатлар билан тенглик асосида ҳамкорлик қилиш йўлини тутди. Тинчлик, хавфсизликни таъминлаш борасида бутун имкониятларни ишга солмоқда. Китобда ана шу йўналишлар ва ташқи сиёсат тамойиллари яна бир бор чуқур таҳлиллар, хулосалар асосида баён этиб берилган. Айни вақтда мамлакатимиз Президенти 200 дан ортиқ давлатларни бирлаштирган жаҳон ҳамжамиятининг мустақил субъекти сифатида Ўзбекистон ўз зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис этажаклигини ва бу йўлда саъй-ҳаракатларини давом эттириши лозимлигини таъкидлайди.

Президентимиз ўз китобида диний экстремизм ва фундаментализм масалалари тўғрисида ҳам чуқур тўхталиб, бу йўналишларнинг минтақамизда туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларини таҳлил этиб беради. Муаллиф «Эътиборни одамларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган, муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим», деб ёзади.

— Бугун Ўзбекистонни 130 дан ортиқ давлат тан олди. Мамлакатимиз 50 дан ортиқ халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатди, — деди юқоридаги фикрларни ривожлантириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ахтам Турсунов, — республика Олий Мажлиси давлатимиз тараққиётини таъминлашга, демократик, адолатли жамият қуришга хизмат қилувчи юздан ортиқ қонун ва ҳужжатларни қабул қилди. Президентимиз ўз асарларида қонун устиворлиги асосида жамият, давлат ривожи, халқ, миллат манфаати хусусида чуқур фикр юритадилар.

16 та йўналишнинг кенг таҳлили берилган китобда «Туркистон — умумий уйимиз» масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Умуман, китобдаги фикрлар ҳар бир ўқувчи, ҳар бир фуқаро билан мулоқотга киришади, ҳар бир кишининг юрагига етиб боради. Шунингдек, коррупция, жиноятчиликка қарши курашсиз тараққиёт бўлмаслиги масалаларидаги Президентнинг хулосалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларни халқаро ҳамжамият юқори баҳоламоқда ва тажрибаларимизни ўрганмоқда. Асар бу борада истиқболдаги ишларимизнинг янги қирраларини очиб беради.

МАЪНАВИЯТ УСТУН БЎЛҒАЙ

ШАРҚОНА маънавият, аҳлоқ-одоб, тарбия бизнинг миллий-маънавий қадриятларимизнинг устунидир. Хўш, собиқ Иттифоқ даврида бой берилган миллий анъаналар таомилини қайта тиклаш, умуман, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ тизимида ўзига хосликни таъминлаш учун нималар қилмоқ керак?

Бу масалалар ҳам китобда кенг ўрин олган. Китобни катта қизиқиш билан ўқиб чиққан «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн асарнинг маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталди.

— Агар биз кучли миллат ва келажаги буюк давлатнинг комил фарзанди бўлишни истасак, ақл ва идрок, ахлоқ ва одоб, маънавият ва маърифат кучига таянмоғимиз шарт, — деди у. — Биз учун моддий бойлик ҳам, маънавий бойлик ҳам жуда зарур. Лекин, моддий бойликка майл, ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам, маънавий бойлик устидан ҳокимликка эришмаслиги лозим.

Асарда ана шу ғоя, таълим-тарбия тизимидаги муаммолар ва ечимлар шунчалик чуқур очиб берилганки, бугун биз тафаккур тарбияси ҳақида кўпроқ ўйлашимиз зарурлиги таъкидланган. Китобни ўқиб, маънавий қадриятларимиз ва миллий ўзлигимизни англаш, маънавий, маърифий бойлигимизнинг асосини ватанпарварлик туйғуси ташкил этади, деган хулосага келдим. Бу туйғу ҳамма замонларда ҳам бизнинг халқимиз учун муқаддас ва азиз бўлиб келган. Китобни, ҳеч муболағасиз, мустақиллик йиллари ичида босиб ўтган йўлимизнинг, бугунги кунимизнинг фалсафий фикр таҳлилидан ўтказилган синтези дейиш мумкин. У бизнинг келажакдаги ишларимиз ривожига янги йўналиш беради, албатта.

ТАҚДИМОТ маросимига якун ясар экан, вилоят ҳокими Эркин Рўзиев Президентимизнинг янги китоби мазмунидан йиғилганларни бахраманд қилган нотиқларга самимий миннатдорчилик билдирди. Айни пайтда китобда мамлакатимизнинг истиқлол йиллари ичидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги режалар ва вазифалар ўз аксини тўлиқ топганлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳоким ушбу китоб Тошкент вилояти меҳнаткашлари ўртасида чуқур ўрганилади, деб ишонч билдирди. Асарда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида бутун ички имкониятлар ишга солинади, — деди Э. Рўзиев. — Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Тошкент вилояти меҳнаткашлари учун нодир дастуриламал бўлиб қолади.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Саидвали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЙИГИРМА ЁШЛИЛАР ДАВРАСИ

КОМПЬЮТЕР цехини «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасининг юраги дейиш мумкин. Бу — нисбатан янги ташкил топган тузилма. Аср мўъжизаси электрон-техника нималарга қодир эканлигини айни шу ерда бир лаҳзагина бўлган киши ҳис этади.

Бир неча ўн йиллар ҳарф териш жараёнларида ҳукмронлик қилиб келган линотип машиналари, босмахонанинг қора бўёғи, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон, ногоҳ тегиб кетган жойни қуйдирувчи қўрғошин ва унинг зарарли ховури йўқ энди. Салқин, шинам ўриндиқларда электрон машиналарнинг тугмачаларигина ишлатилади, пирпираётган «ойна»гина қайноқ жараёндан далолат беради.

— Цехимизни йигирма ёшлилар давраси дейиш мумкин, - дейди уста Нарзулла Ҳамроев. — Мана шу ёшлар кечагина махсус курсларда ўқиб келган мутахассислардир. Қисқа вақт ичида улар газеталарни чиройли саҳифалаш, безаш маҳоратини ўзлаштириб олдилар.

...Зал этагидаги компьютерда ишлаётган йигитча билан таништириш мумкин. Музаффар Қўчқоров, 21 ёшда. Тошкент Давлат техника дорилфунуни қошидаги физика-математика лицейи ва коллежда 1993-1996 йилларда билим олди. Лекин, унинг ҳаваси — компьютерларда эди. Мана шу даргоҳга келганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Компьютерда ишловчи Қодирга шогирдликка тушди. Эпчил, уқувликкина йигитча компьютернинг ҳамма имкониятларини жуда тез ўзлаштириб олди. Ҳозир у цехдаги энг етакчи оператор-газета саҳифаловчилардан. «Тошкент ҳақиқати», ўзбекча ва русча «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз», «Бизнес Вестник Востока» газеталарини компьютерда саҳифалаш унга ишониб топширилган.

Музаффар билан ёнма-ён ўтирган йигитларнинг деярли ҳаммаси меҳнат фаолиятини шу катта даргоҳда бошламоқдалар. Янги техникани ўзлаштирган мутахассислар ўз ишидан хурсанд: уларга юқори иш ҳақи тўланади, концерн томонидан мукофот ва бошқа имтиёзлар бериб турилади.

Ўзбек матбуотининг келажаги, нурли истиқболи мана шу ёшлар билан боғлангандир. Электрон техникада ишлаётган ҳарф терувчи ва операторлар газета саҳифаларини лазер принтерларида ва ксероксларда жадаллик билан тайёрлаб берадилар. Илғор технология ўз афзалликларини кўрсатиб, газета босиш жараёни бир неча баравар тезлашди, ҳарф териш сифати яхшиланди, саҳифаларда турли матбаа безакларидан кенг фойдаланиш имкони туғилди. Ҳозир мана шу цехда 70 га яқин газета чоп этилмоқда. Улар «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Миллий тикланиш», «Бирлик» кабилар. Турли партияларнинг, ҳар хил жамғармаларнинг газеталари, мамлакатимиз вазирлик ва қўмиталарининг нашрларидир. Улар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. «Ҳуррият» мустақил газетаси, «Соҳибқирон юлдузи», «Ёзувчи», «Тасвир» ва бошқалар.

Республикамиз матбуоти сафи йилдан йилга кенгаймоқда.

С. МУСАЕВ.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни





«Тошкент ҳақиқати» газетасини техник жиҳатдан юзага чиқаришда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг ишчилари Музаффар Қўчқоров, Алёна Порошкина (юқорида) ва Барно Бадироваларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Даврон АҲМАД суратга олган.

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри — «Ватанпарвар» газетаси беш ёшга тўлди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда республика қуролли кучларининг эҳтиёжи туфайли туғилган «Ватанпарвар» газетаси ҳарбийлар ҳаётига уйғун ҳолда кириб борди ва нафақат зобиту аскарлар, балки мингларлаб фуқароларнинг ҳам севимли нашрига айланди.

Бугунги кунда газета саҳифаларида Ўзбекистоннинг мустақил йўли, унинг ички ва ташқи сиёсати, қуролли кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлаш масалалари кенг ёритилмоқда. Газетхон унда ҳарбийлар ҳаёти, уларнинг жанговар ўқувига оид ҳабарлар, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилишга оид кўплаб материаллар билан танишади.

«Ватанпарвар» газетаси мухлисларининг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Аммо унинг асосий ўқувчиси ҳамда ишига баҳо берувчи республикамизнинг ҳарбий хизматчиларидир. Мустақиллик йиллари мобайнида уларнинг сиёсий дунёқараши сезиларли даражада кенгайиб, маданий талаб-эҳтиёжлари ошди.

Ҳарбий журналистлар Президентимиз Ислом Каримовнинг жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини ошириш зарурлиги ҳақидаги гапларини яхши эслашади. Шунинг учун ҳам улар ҳарбийларимизга жанговар тайёргарлик масалаларини муваффақиятли ҳал этишда бундан буён ҳам ёрдам бериш, илғор тажрибани изчиллик билан тарғиб қилиш, ҳарбийларда ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳини янада кучайтириш йўлида хизмат қилиш ниятидадир. Улар буни ўзларининг профессионал ва инсоний бурчи, деб биладилар.

(ЎзА).

«ЯНГИЙЎЛ»ЛИК МАҲБУБА

Касбимиз қизиқда, иш жараёнида минглаб инсонлар, турли касб эгалари билан мулоқотда бўлиб, улар ҳақида қанчадан-қанча мақолалар ёзасиз. Бироқ, ўз касбдошларимиз ҳақида кам ёзамиз...

Бугун ҳамкасбимиз, 30 йиллик тажриба эгаси Маҳбуба Юсупова ҳақида қоғоз қоралашга қарор қилдик.

Ёшликдаги орзу ниҳолга ўхшайди. Йиллар ўтиши билан у куртаклайди, гуллайди, қолаверса, мева беради. Маҳбуба шаҳардаги Алишер Навоий номли мактабда ўқиб юргандаёқ адабиётга қизиқарди. Ана шу насру-назмга муҳаббат уни Янгийўл шаҳар таҳририятига етаклаб келди. Ўша пайтда газетага Г. Фаттоҳов муҳаррирлик қиларди. У Маҳбубахоннинг жўнатган кичик хабарларини ўқиган. Шу сабаб бўлдию, М. Юсупова газета таҳририятига ишга қабул қилинди.

1967 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика куллиётига ўқишга кирди. Ўқишни битириб қайтгач, хатлар бўлимида ишлай бошлади. У хатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қилар, муштарийларнинг мактубларини ўрганиб, зарур бўлса, муаллифлари билан учрашиб, уларнинг қувонч-ташвишларини саҳифаларга олиб чиқар эди.

1980 йилда унга янги вазифа юклатилди. Мана, 17 йилдирки, Маҳбуба опа «Янгийўл» рўзномасининг масъул котиби. Аммо, у масъул котиб бўлсада, қаламини ҳеч қўлдан қўймайди. Ҳамиша ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшашга ўрганган. Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатларини яхши билади. Теварак-атрофимизда бўлаётган ҳар бир ўзгаришлар моҳиятига чуқур назар ташлайди. Унинг «Эл оғзига тушган йигит», «От ўрнини той босар», «Тўйга тоғора кўтариб», «Убай темирчи», «Ишбилармонликда гап кўп», «Қозон ўзўзидан қайнамайди» каби мақолалари муштарийлар ҳурматига сазовор бўлди.

Маҳбуба опа устозлари Гаврииль Фаттоҳов, Мирзаҳамид Пейсенов, Турсун Иброҳимовларнинг панд-насиҳат, ўгитларига ҳар доим амал қилади. Шунингдек, М. Юсупова ҳам У. Мустафоқулов, А. Акбаров, Р. Абдуқаюмова каби ўнлаб шогирдларни тарбияламоқда.

Маҳбуба опа севимли рафиқа, меҳрибон она, уйрўзғор ишларида ҳам, оила аҳиллигини таъминлашда ҳам унинг ақл-заковоти намоён. Маҳбуба опани оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан табриклаймиз. У кишига сиҳ-саломатлик, янги иж дий парвозлар тилаймиз.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, «Янгийўл» газетаси муҳаррири.

ИШЧИЛАР ҲАМРОҲИ

«ТРАКТОРСОЗ» кўп нусхали газетаси республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатидаги энг кекса нашрлардан. 33 йилдан буён «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг бу нашри, ишчиларга яқин ҳамроҳ сифатида фаолият кўрсатаётир. Яқинда унинг 2428 — сони муштарийларимиз қўлига тегади. Унда чоп этилаётган мақола ва хабарлардан кундалик ҳаёт нафаси уфуриб туради.

«Уста», «Меҳнатсевар», «Биз билан бирга», «Ишчи устози ҳақида», «Руки золотые» рукнлари остида берилаётган мақолалар қизиқиш уйғотади. Корхонамиз ишчи ва хизматчиларининг аксарияти атроф маҳаллаларда истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам маҳалла қўмиталари билан алоқани мустаҳкамлаб, «Маҳалладош» рукни остида уларнинг амалга ошираётган ишларини ёритиб бормоқдамиз.

Олдинги йилларда бир оз сусайган ишлаб чиқаришимиз ҳозир яна изига тушиб кетяпти. Американинг «Камминз» ва «Кейс» фирмалари билан ҳамкорликда яратилаётган янги русумли тракторлар, шубҳасиз, деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилади.

Газета бош муҳаррири И. Алимов қарийб қирқ йилдирки, қалам тебратиш билан машғул. Газета саҳифаларининг гўзал ва ранг-баранг мақолалар билан чиқишида унинг ҳиссаси катта. Ҳар бир қаламкашнинг ўз услуби бор. Ҳамкасбимиз А. Бондаренко ҳам ҳар бир ёзган хабар ва мақолаларини борган сари сайқаллаштириб бормоқда.

Мусаҳҳиҳ, хат кўчирувчи Т. Конорезова ўз маҳоратини тобора мукаммаллаштираётир. Фурсатдан фойдаланиб, мустақил мамлакатимизнинг барча қаламкашларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Ўйлаймизки, «Тракторсоз — Трактростроитель» газетаси озод юртимиз саноатига хизмат қилишда ўз ўрнини топади.

Ҳусан БАРОТОВ, «Тракторсоз — Трактростроитель» газетасининг муҳаррир ўринбосари.

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

ОМБОР ТЎЛА ДОН БЎЛСА...

Тошкент тумани деҳқонлари ғалла ўрим-йиғимини ташкил этиш, дон тайёрлаш ва давлатга топширишда вилоятда биринчи ўринга чиқиб олдилар

— Ҳамиша илғор бўлиб келган эдик. Бироқ, ўтган йили ғалла тайёрлаш режасини уддалай олмай, ғалати аҳволга тушиб қолдик. Катта-кичик йиғинлар-у, давраларда чеккароқдан жой излаб, бошимизни кўтаролмай юрдик (туман деҳқонларининг ўтган йил якунига бағишланган йиғилишида айтилган гаплардан).

Меҳнаткаш, ҳалол, фидойи одамларда орият кучли бўлади. Ориятли тошкентликлар ғаллачиликдаги ишлари, фаолиятларини синчковлик билан пухта таҳлиб этиб, йўл қўйилган хатолар нима-ю, камчиликлар нима, обдон фикрлашдилар, маслаҳатлашдилар. Мавсум сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бу ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади...

Айни кунда тошкентликлар ўримда пешқадамлик қилиб, вилоят ҳокимлигининг илғор туманлар — биринчи ўринни олганлар учун тиккан «Тико» енгил машинасига даъвогарлик қилиб турибдилар. Хўжаликлар бирин-кетин маррага етиб келмоқдалар. Туманда бўлганимизда тошкентликларнинг бу ҳаракати, илғор ўрин учун даъвосининг маъзи тўқ эканлигини ҳис этдик.

«Тошкент» жамоа хўжалигининг вилоятда биринчи бўлиб етти иш кунида ғалла топшириш давлат буюртмасини бажарганлиги омилларидан бири ҳам шунда. Нафсламбирини айтганда, хўжаликнинг ўзида бунинг учун замин бор эди. Ғалланинг сара уруғи бўрсилдоқ ерга октябрда сепилди. Майсалар то қишловга киргунча икки марта суғорилди. Гектарига 200 килограммдан аммофос, 500 килограммдан селитра берилди. Бошоқлар бўлиқ бўлиб етилди.

— Лекин, биринчилик масъулияти елкангда юк бўлиб босиб тураркан, — дейди жамоа хўжалиги раиси Маҳаммаджон Усмонов.

Бу табиий. Айримлар қолган ҳосил ўзларингизники, сал енгилроқ нафас олаётгандирсизлар, дейишди.

Қаёқда, аслини олганда ризқ-рўзнинг «сеники, меники» бўлмайди. У ҳамманики, вилоятники, қолаверса жумҳуриятники! Шунинг учун то тўлалигича саранжомлаб олмагунча кўнгил тинчимайди.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ғалланинг харид нархи жуда арзон, деган гаплар бор.

Раис буни инкор этмайди. Юзаки қараганда тўғри гап.

Лекин, биз деҳқонлар бошқа бир ҳақиқатни, тўғрироғи битта хўжалик ёки битта ширкат уюшмаси билан боғлиқ бўлмаган, балки, бутун эл-юртнинг манфаатига тегишли бўлган ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Тўғри бозорда 1 килограмм буғдойнинг нархи 25-30 сўм туради. Лекин, бу менинг назаримда ҳукуматимиз деҳқондан оладиган ғалланинг нархини ҳам ошириш керак, дегани эмас. Ахир, буғдойни қабул қилиб олиш, тайёрлаш, қайта ишлаш жараёнида озмунча сарф-ҳаражатлар бўладими? У ҳолда халқимизнинг кундалик рўзғори учун сув билан ҳаводек зарур бўлган нонинг нархини ҳам оширишга тўғри келади, бу тўғри бўлмайди, албатта. Бу ҳақда ўйламаслик мумкин эмас!

Демак, ғалла экиш, етиштириш, уни сотишдан кўриладиган фойда нафдан жамият катта фойда кўриши керак. Бу фойдани ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Деҳқон ҳам ана шу жамиятнинг оддий бир аъзоси.

Бошқа гап. Деҳқон бу нафнинг салмоғини ошириш учун ҳосилдорликни кўтариши, мутасаддиларнинг тадбиркорлиги зарур!

Ана шу тадбиркорлик қандай яхши самара бераётганлигини бу жамоа тажрибаси кўрсатиб турибди. Хўжалик давлат буюртмаси ҳисобига 540 тонна ғалла топширди. Давлат бу ғалланинг 265 тоннасини 7 сўмдан, қолган 265 тоннасини эса келишилган нархда: 10 сўмдан сотиб олди. Ҳар гектар ердан 4 минг сўмдан даромад олинди. Сомон билан қўшиб ҳисоблагандa бир кило буғдой 3 сўм фойда берди. Гектаридан ўртача 3 тоннадан ҳосил олинди, дейлик. Соф фойда 9 минг сўмни ташкил этади. Уни 282 гектар ерга кўпайтирсак, 2 миллион сўмдан ошиб кетади.

Деҳқон борки, чорвасиз туролмайди. Ғалла экканлиги учун чорвасидан кўнгли тўқ. Бу ҳам катта имконият. Хўжаликда ҳар йилгидек, бу йил ҳам бир пудратчи деҳқон камида 80—100 боғлам сомон билан таъминланади. Чорваси эҳтиёжидан ортганни бозорга олиб чиқиб сотади. Бир боғлами 70—80 сўм.

Раис тахминан ҳисоб-китоб қилиб берди. Хўжаликдаги ғалла майдонидан гектар ҳисобига 2 тоннадан ҳисоблаганда 564 тонна сомон тайёрланаркан. Бир килограмм сомоннинг сотув нархи 2 сўм. Демак, сомоннинг ўзидан 1 миллион 128 минг сўм қўшимча фойда олинади. Бунда ғаллазорларда ишлаган тўртта комбайндан унумли ҳамда ишининг кўзини билиб, моҳирлик билан фойдаланишнинг ҳам самараси катта бўлди.

Гап шундаки, ғаллазорларда ишлаган бу комбайндан иккитаси «Кейс» машинаси. Одамлар орасида эса «Кейс» машинаси яхши, унда ишлаш роҳатижон экану, бироқ сомонни сочиб, увол қилиб юборраркан, деган гап юради. Тошкентликлар тажрибаси бу даъво асоссиз эканлигини исботлади. Комбайнчига кўп нарса боғлиқ. У машинани даланинг паст-баландига қараб, маълум бир тезликда бошқарса, сомонни яхши ўриб кетади, лекин, озгина меҳнат қилиб, комбайнлар сочиб кетган сомонларни ҳар ерга тўда-тўда қилиб қўйишга тўғри келади. Махсус машина уларни бемалол боғлам-боғлам қилиб кетади.

Кейсни кимлар бошқарди?

Вилоят сервис хизматига қарашли комбайнчилар. 100 гектар буғдойзорнинг ҳар гектари ҳисобига агросервис учун 3560 сўмдан пул ўтказилди. «Кейс» комбайнлари 5 кунда 100 гектарни ўриб бўлди. Хўжалик ўтказган пулнинг 25 фоизи уни бошқарган комбайнчига берилади. Бу тахминан 90 минг сўмга тўғри келади. Икки киши бу пулни бўлиб олади.

Келажак Кейсники. Президентимиз бекорга катта йиғинларда бу машинанинг хосияти ҳақида жон қуйдириб гапирмадилар. Ахир, битта машина билан кунига 30 гектардаги ғаллани ўриб олиш мумкин.

Қани энди, қурбинг етсаю, комбайнни сотиб олсанг, ўзингники бўлса. Катта пул ўзимизнинг ёнга қоларди.

Бундай кунлар ҳам келиб қолар.

Лекин, деҳқонларнинг таклифи бўйича бир тадбирни амалга ошириш керак; ҳар бир туманда «Кейс» машиналари сервиз хизматини ташкил этиш тизимини йўлга қўйса яхши бўларди. Унда хўжалик «Кейс»ни ижарага олиб ўз кадрлари, комбайнчилари бошқарарди. Бунинг уддасидан чиқадиган моҳир комбайнчилар бор хўжаликда.

Бу йил хўжаликдаги комбайнчилар «Енисей» ва «Нива»да ишлаб, 40-45 гектар ердаги ғаллани ўрдилар. Ҳар бир комбайнчи етти кунда 10—12 минг сўм ишлади. 40—45 минг сўм пул қаёқдаю, 10-12 минг сўм қаёқда! Зора, бизлар ҳам «Кейс»да ишласак, дейишади улар. Орзуга айб йўқ.

Ғаллачиликда имконият ҳаминқадар. Давлат буюртмасидан ортиқча олинадиган ғалланинг 70 фоизи шартнома бўйича пудратчига: унинг ҳоҳишига қараб пулини бериш ва ёки натура ҳолида ғалла олиши мумкин. Кўп деҳқонлар иккинчи йўлни хушлайдилар. Дарвоқе, омборда ғалланг бўлганига нима етсин, кўнглинг тўқ бўлади.



Хўжалик раҳбарлари бу ҳақда ҳам ўйлаб қўйганлар. Режадан ортиқча ғалла заҳирага қўйилмоқда.

— Биз уни тегирмонда тортиб, ун қилиб, деҳқонларга тарқатамиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси.

Яна бир имконият: пудратчи ғалладан бўшаган ерга хоҳлаган турдаги кечки сабзавот экинини экиб олиши ва кузги ҳайдов учун ерни вақтида бўшатиб бериши керак. Бунинг учун хўжалик пудратчига қайишади. Уруғдан, техникадан, ўғитдан қарашиб юборади.

Юқорида ҳосилдорликни ошириш керак, дедик. Бу кўп жиҳатдан уруғга ҳам боғлиқ. Уруғ масаласида ҳар йили қизиқ ишлар бўляпти. Баъзи хўжалик раҳбарлари уруғлик учун ажратилган ғаллани сақлаб қололмаяптилар. Экиш пайтида зир югуриб у ердан, бу ердан учраганини топиб келмоқдалар. Бу ҳосилдорликка таъсир қилаяпти.

Мутасаддилар ҳам қараб туришгани йўқ, бу ҳақда ўйлашаяпти. Қаерда бўлмасин, деҳқонларни сифатли уруғлик билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Аммо нима бўлганда ҳам деҳқон ўзини-ўзи, ўз шароити, иқлимига мос уруғлик билан таъминлаганига нима етсин! Ана шундай йўл тутаётган хўжаликлар йўқ эмас. Улар бундан катта наф кўрмоқдалар. «Тошкент» хўжалиги ҳам шундай йўл тутган. Уруғни ҳеч кимга бермаймиз, ўзимизни эҳтиёжимиз учун ишлатамиз. Бу соҳада кўп янглишдик, деб айтишмоқда деҳқонлар.

Ана шунақа. Агар дилда иштиёқ бўлса, яхши ният, ихлос билан меҳнат қилиниб, ғаллачилик билан жиддий шуғулланилса ундан чиқадиган фойданинг чеки-чегараси йўқ.

Тошкент туманида ана шундай деҳқонлар ғаллачиликда меҳнат қилмоқдалар.

Носир РИХСИЕВ.

● Ўтган куни далаларда 456та «Нива» ва «Енисей» ҳамда 40 та «Кейс» комбайнлари ишлади. Ҳар бир комбайннинг бир кунлик иш унуми 6,4 гектарни, «Кейс» комбайнники эса ўртача 17,6 гектарни ташкил этди.

● Вилоятда кунига 2874 гектар ердаги ғалла ўриб-йиғиб олиняпти. Шу кунгача 27058 гектар майдондан жами 91692 тонна дон олинди.

● Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 33,9 центнерни ташкил этяпти.

● Ғалла — ўрим-йиғими ва дон тайёрлашда ҳамон Тошкент, Янгийўл, Чиноз туманлари карвонбошилик қилмоқдалар.

● Янгийўл туманида 2998 гектар, Чиноз туманида эса 3543 гектар ердаги ғалла ўриб-йиғиб олинди.

● Бу йил 11705 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирган Қуйичирчиқ тумани ғаллакорлари ҳам ўрим-йиғимда суръатга-суръат қўшмоқдалар. Бу ерда ҳар куни 60 та «Нива» ва «Енисей» ҳамда 8 та «Кейс» комбайнлари ишлатилмоқда. Улар билан кунига 450 гектар майдондаги ҳосил саранжомлаб олинаётир.

● Вақт кутиб турмайди. Унинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиб, ўрим-йиғим суръатини тезлаштирайлик.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БАЙРУТ

Ироқ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ушбу давлатга нисбатан қўшимча жазо чоралари қўллаш борасидаги саъй-ҳаракатларини танқид қилди.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ ҳукуматини мазкур мамлакатда оммавий қирғин қуролларини қидираётган экспертлар фаолиятига ҳалал бераётганликда айблаган ва қўшимча жазо чоралари қўллаш масаласини кун тартибига қўйган эди. Ироқ ҳукумати эса, Хавфсизлик Кенгашининг барча қарорларига амал қилаётганини билдириб, 1990 йилдан буён қўлланиб келаётган иқтисодий жазо чораларининг бекор қилинишини талаб қилмоқда.

НЬЮ-ЙОРК

Бу ерда БМТ Бош Ассамблеясининг экология ва тараққиёт муаммоларига бағишланган 19-махсус сессияси бошланди. Унда 1992 йили Рио-де-Жанейрода айни шу мавзуда ўтказилган анжумандан сўнг ўтган 5 йил ичида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинади.

Мазкур анжуманда 100 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.

СЕУЛ

Пекинда КХДР ва Жанубий Корея Қизил Хоч жамиятларининг музокаралари якунланди. Музокаралар натижасига кўра, Жанубий Корея ўзининг шимолдаги қўшнисига 8 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат маҳсулоти юборади.

(ЎзА).

Жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари

ШУҲРАТГА ШУҲРАТ КЕЛТИРГАН ЎЙИН

Ҳаммаси биз кутгандек бўлди. Ҳисоб ҳам, натижада олинган ҳоллар ҳам кўнгилдагидек. Фақат Индонезия миллий жамоаси бош мураббийси Хендрик Вуллемс журналистлар билан бўлган матбуот анжуманида «Ўзбекистон футболчилари Францияга боришга муваффақ бўлишолмайди», — деганида ҳақмикан? Мухлисларимиз учун кутилмаган бу фикр бизни ўйлатиб қўйди. Ростдан ҳам Ўзбекистон футбол жамоаси Францияга йўлланма олиши учун бугун, яъни жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг навбатдаги босқичи олдидан чуқур мулоҳаза қилиб кўришимиз керак...

Индонезия миллий терма жамоаси, дарвозабон: Хендро Картико, ҳимоячилар: Суванди Хади Сисвойо, Аплес Гидэон Текуари, Ритам Мадубун, Нур Алим, Сугиянторо, ярим ҳимоячилар: Бима Сакти, Аксуари, Ракки Ритарау, ҳужумчилар: Путро Видодо (68 дақиқадан Рони Вабия), Ирвансуан.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси: дарвозабон Павел Бугало, ҳимоячилар: Андрей Федоров, Февзе Давлетов, Бахтиёр Қамбаралиев (75-дақиқада унинг ўрнига Алексей Винников тушди), Николай Ширшов, ярим ҳимоячилар: Илҳом Шарипов, Нўъмон Ҳасанов, Равшан Бозоров (56 дақиқадан Абдуқаҳҳор Маъруфалиев тушди), Сергей Лебедев, ҳужумчилар: Шуҳрат Мақсудов, Олег Шацких (46-дақиқадан Жаъфар Иримметов).

Ўйин томонларнинг тез-тез уюштирган ҳужумлари билан бошланди. Хендро Картико билан икки марта яккама-якка қолган О. Шацких меҳмонлар дарвозасини ишғол этиш имкониятидан фойдалана олмади. Ўйингоҳни тўлдириб ўтирган томошабинлар 12-дақиқада ўринларидан туриб кетдилар. Уларни бу даражада беқиёс қувонтирган Олег Шацких эди. 1:0. С. Лебедев, Н. Ширшов, Н. Ҳасанов, Ш. Мақсудовларнинг маҳоратли ўйини 37-дақиқада томошабинларнинг яна гуррос қийқиришига сабабчи бўлди. О. Шацких оширган тўпни Шуҳрат Мақсудов дарвозага йўллади. 2:0.

2-таймда меҳмонларнинг Р. Ритарау, П. Видодо, А. Текуари, Ирвансуан сингари ўйинчилари П. Бугалога тинчлик бермади. Тез-тез индонезияликлар бурчакдан тўп тепа бошлашди. Ўз навбатида Нўъмон Ҳасановнинг узоқдан берган зарбасини дарвозабон қайтариб қолди. Ж. Иримметов эса меҳмонлар ҳимоячиси оёғидан қутилмаганда тўпни олиб қўйди-ю, лекин улгурмади. Бироқ, кўп ўтмай ўйин суръати пасайди. Иккала томон ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатмади, дейиш мумкин. Эронлик ҳакам Жалол Морадининг ҳуштаги янграшига 3 дақиқа қолганда Шуҳрат Мақсудов учинчи голни киритди. Ана шундай, йирик ҳисоб билан Ўзбекистон футболчилари ғолиб чиқишди.

Кузатувчилар меҳмонлардан Путро Видодо, Ракки Ритарау ҳамда ўзимизнинг Шуҳрат Мақсудов, Николай Ширшовларни энг яхши ўйинчи деб танладилар. Бу тўрт футболчига қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

Ўйинда жамоамизнинг айрим нуқсонлари ҳам кўзга яққол ташланиб турди. Кўп ҳолларда барча оғирлик дарвозабон Павел Бугалога тушиб қолмоқда. Мабодо, рақибимиз кучли бўлса, узлуксиз зарбаларга дарвозабонимиз дош беролмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳимоячилар таркибини кучайтириш керакка ўхшайди. 2-таймда Ф. Давлетовнинг оёғига ё 2, ё 3 марта тўп тегди. А. Федоров эса рақиблар ҳимоя чизиғини кесиб ўтгандан сўнг орқадан югуриб қолади. Бундан ташқари аксар ўйинчиларимиз жуда тез чарчаб қолишмоқда. Бу эса жисмоний кучсизликни англатади. Демак, машқларга зўр бериш лозим.

Ҳозир жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг Осиё қитъаси 5-гуруҳидаги вазият шундай:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Ҳ
Ўзбекистон	4	3	1	0	11-1	10
Яман	5	2	2	1	9-2	8
Индонезия	6	1	4	1	11-6	7
Камбоджа	5	0	1	4	1-23	1

Ўзбекистон футболчилари навбатдаги ўйинни 29 июнда Камбоджада ўтказадилар.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

Мухбир муаммо қўяди

БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТИГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАЙЛИК

- *Чемпионлар илк сабоқ олган маскан*
- *Қисқариш устига қисқариш*
- *Олимпия чемпионининг ўзбошимчалиги*
- *Беҳудага соврилган сўмлар*

Жаҳон, Европа, Осиё чемпионлари, Олимпия мусобақаларининг ғолиблари билан суҳбатда бўлиб, илк сабоқни қаерда олгансиз, деб сўрасангиз, ҳаммасидан бир хил жавобни оласиз.

— Болалар-ўсмирлар спорт мактабида.

Хусусан вилоятимиздан етишиб чиққан ва довруғи довон ошган велоспортчи Жамолиддин Абдужабборов, боксчи Карим Тўлаганов, дзюдочи Дмитрий Соловьев, Андрей Штурбабин ва бошқа машҳур спортчилар ихтисослашган болалар-ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабларида вояга етишган. Шундай экан, вилоят болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бугунги кундаги аҳволи қандай? Улар замон талабига жавоб бера оладими? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида жойларда бўлдик.

ВИЛОЯТДА мавжуд 55 та болалар-ўсмирлар спорт мактабида 23 мингдан зиёд талаба спортнинг 31 тури бўйича сабоқ олмоқда. Уларга мингга яқин малакали устозлар таълим беришяпти. Ана шу мавжуд 55 мактабнинг 37 таси халқ таълими, 15 таси касаба қўмиталари ва 3 таси спорт қўмитаси тасарруфидадир. Ўтган бир йилнинг ўзида спорт мактабларида 6239 оммавий разрядли спортчи тайёрланди. Уларнинг 300 дан зиёди биринчи разряд, 54 спортчи спорт усталигига номзод, 41 спортчи спорт устаси талабларини бажарди. Болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлимларида 182 мураббий сабоқ бермоқда. Спорт мактаблари учун ўтган йили давлатнинг 16,2 миллион сўм маблағи сарфланди.

Эллигинчи йилларда «Эски шаҳар» болалар-ўсмирлари учунгина эмас, балки йигит-қизларининг ҳам севимли спорт маскани ҳисобланган «Спартак» ўйингоҳи ўрнида ҳозирда «Чорсу» бош автобекати жойлашган. Яқинда хизмат тақозоси билан ана шу даргоҳга келиб, «Спартак»дан «ҳамиртуруш» қолганлигидан хурсанд бўлдик. Бу ерда эркин кураш, бокс заллари, теннис корти ҳамон ишлаб турипти. Уларда болалар ва ўсмирлар шуғулланишмоқда. Камина учун таниш бўлган ҳайбатли курашчилар зали ҳали умрини тугатмабди. Бироқ, катта зал таъмирга муҳтож.

— Таъмирлашга қўлимиз бормаяпти, — изоҳлади спорт клуби раҳбари Қодир Нуъмонов, — бугун бузилади, эрта бузилади, дейишади-ю, қолдириб қолдиришмайди, бузиб бузишмайди. Бокс зали, теннис кортининг аҳволи ҳам шундай.

Қодир Ҳакимович вилоят ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари тасарруфидаги спорт клубига бошчилик қилади. Қарийб ўттиз йилдан бери болалар спортида мураббий ва раҳбарлик қилиб келаётган бу мутахассис йилдан-йилга спорт мактаблари сони қисқариб бораётганлигидан ташвишланиб гапириб берди.

— 1987 йилда Тошкент вилояти ва пойтахтда 36 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 13 тага тушиб қолди. Буларнинг бештаси вилоятда, 8 таси шаҳарда фаолият кўрсатмоқда. Яқинда яна вилоятдаги 2 та мактаб қисқаради. Аниқроғи эркин кураш мактаби билан дзюдо, оғир атлетика билан эшкак эшиш мактаблари бирлашади. Натижада тугатилган 2 та мактаб ходимлари учун тўланаётган маблағ мусобақаларни ўтказиш учун сарфланади.

Қодир Ҳакимович билан суҳбатда яна шу нарса маълум бўлдики, болалар-ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказиш маблағ етишмаслиги сабабли кескин камайган. Навоий шаҳрида 14—15 ёшли болалар ўртасида республика бокс биринчилигида мазкур клуб 12 вазнда ўз вакилларини юборишга маблағ тополмай, атиги беш спортчини жўнатиш билан кифояланишга мажбур бўлган.

— Ҳомийлар қидиряпмиз. Туман, шаҳарлар миқёсида мусобақалар ўтказишда ячейка қийналмаяпмиз. Бирини ака, бирини ука, деб ишимизни битиряпмиз. Биридан автобус олсак, иккинчиси жойни бепул фойдаланишга беряпти. Саҳоват кўрсатиб мусобақаларни ўтказишда холисона хизмат қиладиган ҳакамлар ҳам топиляпти. Бироқ, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларни ўтказишга қийналяпмиз.

Вилоят «Меҳнат резервлари» жамияти раисининг ўринбосари Ҳусниддин Мирзаев билан суҳбатимиз энди бошланган эди ҳамки, хонага Чирчиқдаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори Александр Мануйлов, қўл тўпи мураббийси Мирослав Зорич ва волейболчилар устози Анатолий Люлинлар кириб келишди. Ҳусниддин Ҳожиевич Анатолий Люлинни кўриб, ҳайратомуз савол ташлади.

— Сиз Андижонда бўлишингиз керак эди-ку, нима гап, тинчликми?

Анатолий Люлин воқеани тушунтира кетди. Маълум бўлишича, республика ўқувчилар спартакиадасига борган Тошкент вилояти жамоаси аъзоларини мусобақа бош ҳаками, олимпия чемпиони, машҳур волейболчи Вера Дуюнова «паспортларинг йўқ» деб орқага қайтариб юборибди. Ҳусниддин Мирзаев бу воқеадан ниҳоятда ранжиб, бизга республика халқ таълими вазирлигининг ўқувчилар спартакиадасини ўтказиш ҳақидаги низомини кўрсатар экан, вазирликка қўнғироқ қилишга тутинди. А. Люлин айтишича Вера Дуюнова спортчилар шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, мактаб ва яшаш жойларидан берилган маълумотномаларга назар-писанд ҳам қилмай мусобақада қатнашишга рухсат бермабди. Мусобақалар ўтказиш низоми билан танишдик. Унда ўқувчи-спортчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома (паспорт дейилган жойи йўқ) кўрсатилиши қайд этилган холос. Қолаверса, қўл тўпи, бадиий гимнастика, эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳакамлар Вера Дуюновага ўхшаб «паспортинг борми» деб суриштирмади-ку! Бош ҳакамнинг бу ўзбошимчалиги туфайли Тошкент вилояти волейболчилари мусобақада қатнаша олишмади, давлатнинг қанчадан-қанча маблағи беҳуда сарф бўлди, энг муҳими ёш спортчиларнинг қалби жароҳатланди. Ахир Вера Дуюновадек машҳур спортчи бу ноўрин ҳатти-ҳаракати билан ўз издошлари қалбини яралаганлигини тушуниб етармикан?!

Вилоятда мактаб ўқувчилари спорти учун мутасадди бўлган Ҳусниддин Мирзаев билан суҳбатимизда ҳам маблағ масаласи катта муаммо эканлиги маълум бўлди. Бироқ туман, шаҳар ва вилоят халқ таълими мутасаддилари ҳомийлар ёрдамида, уларнинг қўллаб-қувватлашлари эвазига имкон даражада мусобақалар ташкил этмоқдалар. Бўлажак чемпионлар, рекордчиларни маънавий ва моддий рағбатлантиришга ҳаракат қилишяпти. Аммо ёшлар бир йилда икки-учта эмас, балки ундан кўпроқ мусобақаларда, халқаро турнирларда иштирок этсалар, устозларидан олган билим ва маҳоратларини шунчалик синовдан ўтказишса, чархлашса, мукаммаллаштирган бўлардилар. Спортимизнинг келажаги мана шу мактабларда таълим олаётган ёшларга боғлиқ эканлигини унутмайлик. Уларга пухта сабоқ олиш ва маҳоратларини ошириш учун тўла шароит яратиб берилгандагина Ўзбекистон довруғини жаҳонга ёядиган кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқади.

Чавандоз бўлишни болалар ёшликдан орзу қилади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Кубок ўйинлари

«ДЎСТЛИК»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон кубоги учун чорак финал учрашувларининг дастлабки босқичида «Дўстлик» ўз майдонида МҲСК клубини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ЎЙИН ҳар икки жамоанинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Дам у, дам бу дарвоза олдида хавфли вазиятлар рўй берди. Биринчи бўлимда кучлар тенг келди, 1:1. Иккинчи бўлимда «Дўстлик» ўз имкониятларини бой бермади. Икки бор Жаъфар Ирисметов тўп киритиб, умумий ҳисобни 3:1 га етказди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. «Дўстлик»дан яна бир тўпни Анатолий Матвеев, МҲСК дан ягона жавоб тўпини Ойбек Усмонхўжаев киритди. Шундай қилиб, энди биллур соврин учун жавоб ўйини Тошкентда бўлади.

Ёз завқи.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«Оҳангарондон» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг 1997 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерлик баланси (минг сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	99406	Устав фонди	87595
Номоддий активлар (бошланғич қиймат)	25512	Резерв фонди	76551
Капитал қўйилмалар	49555	Ҳисобот йилида тақсимланмаган фойда	147436
Заҳиралар ва ҳаражатлар	810029	Мақсадли молиялаштириш	252000
Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	6134	Бошқа қисқа муддатли пассивлар	886705
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	2579		
Пул маблағлари, ҳисобкитоблар ва бошқа активлар	457072		
БАЛАНС	1450287	БАЛАНС	1450287

Баланс «Ўздонмаҳсулот» — «Аудит» кўп тармоқли хусусий фирмасининг 14 февраль 1997 йилдаги аудиторлик хулосаси билан маъқулланган.

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Асака» банкнинг Тошкент вилоят бўлими ҳар ойда жисмоний ва юридик шахсларга юздан зиёд машина сотмоқда.

— Бу мамлакатимизда автомобиль саноатига асос солган «Ўздэуавто» қўшма корхонаси машиналарига талаб тинмай ортиб бораётганлиги натижасидир, — дейди банк бошқаруви раиси Ш. САГДИЕВ. — «ЎЗДЭУ» автомобилларини бошқариш қулайлиги, нисбатан арзонлиги ва ёқилғини кам сарфлаши юртдошларимизга ғоят манзур бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб, уларни харид қилишга мақсадли кредитлар ажратмоқдамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, яқинда банк энг янги компьютерлар билан жиҳозланган махсус автосалонга эга бўлган бинода иш бошлади. Бу эса унга хизмат турларини кўпайтириш имконини берди. Айни пайтда банкнинг Бекобод, Ангрен, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида ҳам бўлимларини очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

26-ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Болалар бадиий ижодиёти республика марказида «Гиёҳвандлик — умр заволи» мавзуида республика плакатлар кўргазма-танлови очилди.

«ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ»

Уни Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва БМТ «Гиёҳвандликни назорат қилиш дастури»ни амалга ошириш бўйича Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси ташкил этди. Тадбир 26 июнь-Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланди. Мазкур кўргазма Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилган танловнинг якуни бўлиб, унда асосан ёш рассомларнинг 60 дан кўпроқ асари намойиш этилмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан республика муассасалари, халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари мазкур плакатлар XX аср вабоси бўлган гиёҳвандликка қарши курашни, ёшларда унинг фожеали оқибатлари ҳақидаги тасаввурни янада кучайтиришга ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлади.

(ЎзА).

Об-ҳаво

ТОҒЛИК ТУМАНЛАРДА ЁМҒИР...

Об-ҳавошуносларнинг хабар беришича, Тошкент шаҳри ва вилоятимизда иссиқ ҳаво сақланиб қолади. Фақат тоғлик ва тоғолди туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 33-38 даража бўлади. 28 июнь куни ҳаво ҳарорати пасайиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража бўлади.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ, БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА

Молия вазирлиги лицензиясига эга бўлган «ТАЯНЧ — ЭБА» аудит маслаҳат фирмаси шартнома асосида:

— Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналарни молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширишдан ўтказади, молиявий иқтисодий фаолиятни таҳлил қилади;

— Бухгалтерлик ҳисоботини юритиш ва тиклаш хизматларини бажаради;

— Баланс, ойлик ва чорак ҳисоботларини тузишга ёрдам беради;

— Солиққа тортиш, уларни ҳисоблаш ва молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича маслаҳат беради;

— Аудит кўриги натижалари асосида аудит хулосасини беради.

Мурожаат учун манзил: Тўйтепа шаҳри, «Тошкент йўли» кўчаси, 123-уй «Машъал» рўзномаси таҳририяти биносида жойлашган. Тел. 21-697

Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туманидаги 19-ўрта мактаб томонидан ШАРАХМЕДОВ Умиджон Тохировичга берилган 018157 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги «Алекс» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 58-55-98

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6